



ТОШКЕНТ КИМЁ
ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

Додиев Ф. Ў, Вахабов А. В,
Хасанов Р. Р, Аллакулиев А. Б, Сатторий Ф. А.

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚИСҚАРТИРИШ

Монография

Тошкент – 2023



Ўзб. 2
33
Ў-23

ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

Додиев Фозил Ўтқурович, Вахабов Абдурахим Восиқович,
Хасанов Рустам Раббимович, Аллакулшев Акмал Балтаевич,
Сатторий Файзуллох Абдижаббор ўғли

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚИСҚАРТИРИШ

Монография



Тошкент – 2023

УЎК 330.59:364.662(575.1)

КБК 66.3(5ў)3

Ф22

Ф.Ў.Додиев, А.В.Ваҳабов, Р.Р.Хасанов, А.Б.Аллакулиев, Ф.А.Сатторий. Ўзбекистонда аҳоли камбағаллигининг аниқлаш ва кискартириш. Илмий монография – Т.: «Adast poligraf», 2023 йил, 130 бет.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикасида камбағаллигини аниқлаш ва уни кискартиришни назарий-амалий масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Монографияда аҳоли камбағаллигини аниқлашнинг назарий-амалий асослари ёритилган, халқаро ташкилотлар ёндашувлари ва хорижий мамлакатларни камбағалликка қарши курашинининг бой, илғор тажрибалари қиёсий таҳлил этилган, ҳамда эконометрик моделлари ўрганилган. Ушбу монографияда Ўзбекистонда аҳоли камбағаллигини келиб чиқish сабаблари, омиллари, камбағаллигини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари, мезонлари ва услублари чуқур ўрганилган. Мамлакатимизда аҳоли камбағаллигини аниқлашнинг методологик асосларини трансформация қилишни ва мамлакатимизда 2030 йилга қадар камбағаллигини кискартиришининг стратегиясини амалга ошириш босқичлари ва устувор йўналишлари баён этилган.

Ушбу монография иктисодий йўналишдаги олий ўқув юрғларининг бакалаврлари, магистрантлари, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар ва аҳоли камбағаллиги муаммолари билан мустақил қизиқувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

Монография “Ўзбекистонда аҳоли камбағаллигини аниқлашнинг интерактив шаклдаги электрон платформасини яратish” мавзусидаги илмий- амалий лойиҳа доирасида тайёрланди.

Тошкент Кимё халқаро унiversитетининг Илмий-услугбий кенгашининг 2023 йил 13 июнь 7-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.


Масъул муҳаррир н.ф.д., профессор А.В. Ваҳабов

Тақризчилар:

Х.П. Абулқосимов – иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Т.С. Расулов – иктисодиёт фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-6356-8-5



© Adast poligraf

М У Н Д А Р И Ж А

Кирини.....	4
I-БОБ. АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Аҳоли камбағаллигини аниқлаш бўйича назарий қарашларни ривожланиш эволюцияси.....	7
1.2. Камбағаллик тушунчаси, турлари ва белгиловчи омиллари.....	20
1.3. Камбағалликни аниқлаш бўйича халқаро ташкилотлар методологияси.....	25
1.4. Камбағалликни аниқлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.....	35
1.5. Аҳоли камбағаллигини аниқлаш бўйича эконометрик моделлар.....	43
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ АМАЛИЁТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТРЕНДЛАРИ.....	56
2.1. Ўзбекистонда камбағаллик даражасини баҳолашнинг ёндашувлари ва мезонлари.....	56
2.2. Ўзбекистон маҳаллаларида аҳоли камбағаллик даражасини аниқлаш услублари.....	69
2.3. Миллий иқтисодиётда камбағалликни қисқартиришда уй хўжалиқларининг ўрни.....	75
2.4. Глобал инқирознинг мамлакат аҳолисини камбағаллик даражасига таъсири.....	83
III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚИСҚАРТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	93
3.1. Камбағалликни аниқлашнинг методологик асосларини трансформациялаш	93
3.2. Ўзбекистонда аҳоли камбағаллигини қисқартириш стратегияси.....	101
Хулоса.....	120
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	123

Кирриш

Жаҳон иктисодиётида аҳоли камбағаллигини қисқартириш глобал муаммолардан бўлиб, унга халқаро ташкилотлар ва бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал кун тартибининг 2030 йилгача бўлган даврдаги Барқарор ривожланиш мақсадларининг биринчиси қашшоқликни тугатиш ҳисобланади.

XXI асрнинг 20 йилларидаги глобал инкироз шаронтида жаҳон иктисодиётида камбағалликни қисқартириш муҳим, кўпқиррали ва мураккаб масалага айланиб бормоқда. Жаҳон банкнинг тадқиқот натижалари кўрсатишича, 1990 йилдан бери қашшоқликни камайтириш бўйича глобал сайъи-ҳаракатларига сарбрий таъсир кўрсатган омил COVID-19бўлди ва Украинадаги уруш эса вазиятни ёмонлаштириш билан таҳдид қилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳонда пандемия туфайли 2020 йилда 70 миллионга яқин одам ўта қашшоқликга дучор бўлди, бу 1990 йилда қашшоқлик мониторинги бошланганидан бери бир йил ичидаги энг катта ўсешдир. 2020 йил охирига келиб кунига 2,15 доллардан кам даромадга эга бўлганлар аҳоли сони 719 миллион кишини ташкил этди. 2030 йилга келиб, деярли 600 миллион киши кунига 2,15 доллардан кам даромад олиб яшашга мажбур бўлади¹.

Мамлакатимизда кәмбағаллик ва унинг даражаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида биринчи марта расман қўйидагича баён қилинган: “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб- китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўриндаган кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”².

Ўзбекистон Республикасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларида”³ 2030 йилгача мамлакатда камбағаллик даражасини икки бараварга

¹ Глобальный прогресс в сокращении крайней бедности останавливается <https://www.yseminvbank.org/ru/news/press-release/2022/10/05/global-progress-in-reducing-extreme-poverty-grinds-to-a-halt>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси <https://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shaykat-murziyevning-oliy-25-01-2020>

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширини жадавлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 83-сонли қарори <https://lex.uz/docs/5870397>

қисқартириш белгиланган. Ушбу масалани ҳал қилиш учун, дастлаб, мамлакатимизда камбағаллик даражасини, унинг келиб чиқиш сабаблари ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаб олишимиз зарур. Шундагина камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирларни аниқроқ белгилаш, уларнинг самарадорлигини ошириш имконияти вужудга келади.

Бозор муносабатлари шаклланиш шароитида камбағаллик даражасини тўғри аниқлаш камбағалликни қисқартириш, иқтисодий ўсishни рағбатлантириш учун самарали ижтимоий сиёсат ва уни амалга оширишнинг чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли камбағаллик даражасини аниқлашда қўлланиладиган икки усул — миллий ва халқаро усуллар ўртасидаги фаркларни тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий адабиётлар таҳлилни кўрсатишicha, мамлакатлар миллий даражада камбағаллик бўйича ўз таърифларидан фойдаланадилар. Ҳукуматларни бундай ёндашувига сабаб, ушбу атаманинг маъноси турли жамиятларда бир-биридан фаркланади. Ушбу ҳолат турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражалари бир хил эмаслиги билан боғлиқ⁴.

1991 йилда Жаҳон банки дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидаги ўртача камбағаллик даражасини аниқлашнинг халқаро камбағаллик кўрсаткичинини ишлаб чиқди. Халқаро камбағаллик даражаси илк бор эълон қилинганидан сўнг бир неча борқайта кўриб чиқилди ва бир қатор мамлакатларда ижтимоий- иқтисодий вазият ўзгариши ва кўпроқ маълумот пайдо бўлиши билан ўзгариб борди. 2022 йил сентябр ойидан бошлаб халқаро камбағаллик чегараси кунига бир киши учун 1,90 доллардан 2,15 долларгача оширилди⁵.

Жаҳон банки «камбағалликнинг халқаро кўрсаткичи» тушунчасини тўлдирадиган даромадлар бўйича камбағаллик таснифини киритди. Ушбу ёндашувга мувофиқ бир хил — фуқароларнинг даромад даражаси тўртта гуруҳдан бирига кирадиган мамлакатлардаги камбағаллик миллий чегарасининг қийматига асосланади: кам даромадли мамлакатлар (йилига жон бошига 1085 долларгача), куйин-ўрта даромадли (йилига 1086–4255 доллар), юқори-ўрта даромадли (йилига 4256–13205 доллар) ва юқори даромадли (йилига 13206 доллардан кўп). Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича

⁴ Ўзбекистонда камбағаллик чегарасини қандай ҳисоблаш мумкин? ЖБ иқтисодчиси Уильям Зейтц билан интервью. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/02/society/>

⁵ Справочный материал: Корректировка значений международной черты бедности. <https://www.vseinniyibank.org/ru/news/factsheet/2022/05/02/fact-sheet-an-adjustment-to-global-poverty-lmes#1>

қуйи-ўрта даромадли мамлакатлар каторига киради, улар учун камбағаллик чегараси ҳар бир кишига кунига ўртача 3,65 АҚШ доллари этиб белгиланган.

Аҳоли камбағаллигини аниқлаш амалиётида кўп сонли қийматли бўлмаган кўрсаткичлар ҳам қўлланилади — улар таълим, соғлиқни сақлаш, санитария, сув таъминоти, электр энергияси таъминоти ва бошқа соҳаларга тегишли бўлиб — аҳоли дуч келадиган камбағалликнинг кўп жиҳатларини тушуниш учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кўрсаткичлар камбағалликни аниқлашнинг қиймат мезонларига муҳим қўшимча бўлиб, аҳолининг энг камбағал катламларининг ҳаёт сифатини реал яхшилаш учун катта аҳамиятга эга. Юқоридагиларни эътиборга олиб, Жаҳон банки камбағалликнинг қиймат ва қиймати бўлмаган жиҳатларини камраб олувчи кўп ўлчовли камбағаллик индексини жорий этди.

Бозор муносабатларини ривожланиши мамлакатимизнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб, камбағалликни аниқлаш услубиётини ишлаб чиқаришни тақоза этмоқда. Жумладан, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш учун кўриладиган чора-тадбирларни тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш миллий шарт-шароитимиздан келиб чиқиб, аҳоли камбағаллигини аниқлашнинг интерактив шаклдаги электрон платформасини яратишга зарурият тугдирмоқда. Ушбу ҳолатлар глобал ўзгариб бораётган жаҳон иктисодиёти талабларига жавоб берадиган янгича усуллар билан тадқиқот олиб боришни тақоза қилмоқда. Шу мақсадда тадқиқот ишида камбағалликни аниқлашнинг халқаро тажрибаси ўрганилиб, мамлакатимиздаги жорий ҳолат таҳлил қилиниб, ривожланиш тенденциялари ва муаммолари аниқланиб, аҳолининг аксарият катлами тушунадиган камбағалликни содда аниқлаш услубиётини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу ёндашув мамлакатимизда мутасадди ташкилотларга аҳолини камбағал катламини тўғри, тез аниқлаш ва уларни камбағалликдан чиқариш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Илмий монография қуйидаги муаллифлар томонидан ёзилган: кириш, 1.4, 2.1-параграфлар, хулоса — и.ф.н., доц.Ф.Ў.Додиев, 1.1, 1.2, 3.1-параграфлар — и.ф.д., проф. А.В.Вахабов, 1.3, 2.2-параграфлар — и.ф.д., проф. Р.Р.Хасанов, 2.3, 3.2-параграфлар — иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) А.Б.Аллакулиев ва 1.5, 2.4-параграфлар — катта ўқитувчи Ф.А.Сатторий томонидан ёзилган.

I-БОБ. АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аҳоли камбағаллигини аниқлаш бўйича назарий қарашларни ривожланиш эволюцияси

Иқтисодийни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш аҳоли даромадларининг ортиши ва турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. XVIII аср бошлари – XX аср ўрталарида камбағалликка қарши курашга бағишланган қатор илмий ёндашувлар шаклланган бўлиб, уларнинг илмий ғоялари миллий бойликнинг манбаи ҳалол меҳнатда эканлиги ҳақида эди.

А.Смит, Т.Мальтус, Г.Спенсер, Д.Рикардо каби классик иқтисодий мактаб вакиллари камбағаллик негизини инсониятнинг мавжудлигида деб билишган. А.Смит: “Миллий бойлик ўсиши билан иш ҳақи ҳам ўсишини, меҳнатга ҳақ тўлаш тенглик ва иқтисодий мақсадга қараб белгиланишини тахмин қилган, ҳамда уларнинг барчаси саноатни ривожлантиради ва аҳолининг кўпайишига ёрдам беради. Аҳоли сонининг ўсиши мамлакат иқтисодий ривожланиши асоси ва қашшоқликни камайтириш қафолати ҳисобланади,”⁶ – деб таъкидлайди.

Т.Мальтус ўзининг “Нуфуз қонуни тўғрисида тажрибалар” (1798) асарида табиат қонуни билан ижтимоий ривожланиш ўртасидаги зиддиятларни тушунтиришга ҳаракат қилган. Аҳоли сони озиқ-овқат маҳсулотларининг чекланган тақлифига дуч келгунига қадар геометрик прогрессия кўринишида ўсаверади, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган тақлифи эса арифметик прогрессия бўйича ўсади. Аҳолининг нуфуз қонунида камбағаллик бевосита аҳоли сонининг ҳаддан ташқари ўсишига боғлиқ эканлиги акс эттирилади. У ривожланган сари аҳоли турмуш фаровонлиги пасайишига ва ушбу ҳолат муқаррар равишда аҳолининг бир қисмини қашшоқликка олиб келишини тахмин қилган. Аҳоли сони кўп, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори кам бўлган мамлакатда камбағаллик юзага келади. Мутафаккир аҳоли сонини тартибга солиш механизмининг табиий сабаблари сифатида очлик, эпидемиялар ва урушларни ажратиб кўрсатади, боқимандалик кайфиятининг кўпайишини кўллаб-қувватловчи давлатни айблайди. Давлатнинг ижтимоий ёрдам тизими аҳолининг камбағал қатламлари кўпайишини рағбатлантиради, деб

⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Союзгиз, 1962. – С. 73-75.

ҳисоблайди⁷. Олимнинг фикрига қисман қўшилш мумкин. Covid-19 пандемияси аҳоли сонини камайитириш билан бирга уларнинг даромадлари, жумладан, мамлакатда камбағаллар сонининг ортишига сабаб бўлди.

Д.Рикардо иш ҳақи жамғармасини тақсимлаш орқали камбағалликнинг келиб чиқиш сабабини тушунтириб берган. Унинг фикрича, "...аҳоли даромадларини белгилайдиган иш ҳақи ишчилар сонига таъсир қилади. Ишчилар сонининг кўпайиши аҳолининг қашшоқлашишига олиб келади, туғилиш сонининг камайиши эса аксинча, ишчилар сонининг камайиши ҳисобига фаровонликни яхшилашга олиб келади"⁸, деб таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, ишчилар сонининг кўплиги рақобат муҳитини уйғотади, ушбу рақобат муҳитида бардошлиларгина ишлаш мумкин. Ишчилар сонининг кўплиги янги иш ўринларини яратиш, уларни иш билан таъминлаш лозимлигини кўрсатади. Зеро, ишсизлик камбағаллик учун қўйилган кадам.

Ж.Прудон камбағалликнинг пайдо бўлиши сабаблари сифатида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўсишини келтирган. Мутафаккир инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондирилганлик даражасига кўра камбағалликни аниқлаш амалиётини яратди⁹. Француз олими Ж.Прудон камбағалликни ижтимоий фойда, деб ҳисоблар эди. Меҳнат унумдорлиги ошган сари камбағалликни енгилш мумкин. Ж.Прудон икки турдаги камбағалликни илгари сурган: нисбий ва мутлақ. Мутлақ камбағаллик ижтимоий табақаланиш маҳсули, нисбий камбағаллик эса ишлаб чиқариш ва истеъмол ривожланишининг натижаси, деб ҳисоблайди¹⁰.

Ж.Прудон ғоясига кўра, ишчилар иш ҳақини ошириш учун курашиши лозим, нархларнинг кўтарилиши эса камбағаллар сонининг кўпайишига олиб келади. Шунингдек, камбағаллик инсониятнинг ажралмас йўлдоши бўлиб, ишлаб чиқариш ривожланган сари истеъмол ҳам ошиб, нисбий камбағаллик вужудга келади, деб таъкидлайди. Ж.Прудон "ҳаётий эҳтиёж" маҳсулотлари таркибига яшаш учун зарур бўлган маҳсулотлар билан биргаликда ушбу жамиятда ўрта қатлам

⁷ Мальтус Т.Р. Опыт закона о народонаселения. Мировая экономическая мысль. Сквоз призму веков. В 5 томах. Т.1. От зари цивилизации до капитализма -М.Мысль, 2004. – С.410-420.

⁸ Литинская Е.Ю., Матюшина Ю.Б. Генезис основных теорий бедности// Берегينا /// БЕРЕГІНІЯ 777 СОВА.2017. № 4 (35). – с. 208-212

⁹ Ярошенко, С.С. Четыре социологических объяснения бедности (опыт анализа зарубежной литературы)// Социологические исследования. – М: 2006. – № 7. – С. 1-22.

¹⁰ Прудон П.Ж. Бедность как экономический принцип. М. 1998. – С. 10.

вакиллари учун стандарт ҳисобланган маҳсулотларни киритди¹¹.

XIX аср ўрталарида Г.Спенсер камбағалликни жамиятдаги табиий ҳодиса деб ҳисоблаган. У ўзининг “Ижтимоий статистика” асарида (1850) ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиб борган сари камбағаллик ва тенгсизлик ҳам ўсишини таъкидлайди. Ишлаб чиқариш ривожланишини тўхтатиб бўлмайди, шундай экан, камбағалликдан ҳам қутулиб бўлмайди. Бундан ташқари, камбағаллик аслида бутунлай бошқача ўлчов ва тартибга эгаллигини кўрсатади: бу ижтимоий ҳодиса эмас, балки шахсий муаммо, жумладан, шахсий танлов ёки шахсий тақдирдир. Инсонлар мукамал эмас, айримлари ҳаёт муаммоларига мослаша олса, баъзилари эса муваффақиятга эриша олмаслигини айтади. Г.Спенсернинг услубий мулоҳазаларига кўра, камбағалликни белгилашнинг аниқ мезонларини аниқлаш имконияти мавжуд эмас. Жамиятнинг ўсиши ва ривожланиши билан муқаррар равишда камбағаллик пайдо бўлаверади ва натижада жамиятда камбағалликни йўқ қилиб бўлмайди. Г.Спенсер камбағалликни шахсий муаммо деб ҳисоблайди ва давлат томонидан камбағалларга кўрсатиладиган моддий ёрдамни қўллаб-қувватламайди. Ушбу амалнинг у ўз муаммосини бировнинг елкасига ташлаш деб тушунар ва келгусида ижтимоий паразитизмни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлайди¹². Мамлакатда камбағалликнинг бўлиши табиий жараён, агар камбағаллик хавфсизлик чегарасидан юқори бўлса, ҳукумат камбағалликни камайтириш учун ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим бўлади.

К.Маркс, Ф.Энгельс, Э.Реклю марксча иқтисодий таълимот вакиллари бўлиб, классик мактаб вакилларида фаркли ўларок, камбағалликни ижтимоий тизимнинг ривожланиши натижаси деб ҳисоблаганлар.

Э.Реклю “Бойлик ва қашшоқлик” асарида камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаларини қиёсий таққослаб ўзаро фарқлайди. Э.Реклю камбағалликнинг дастлабки босқичи бошланиши сифатида жисмоний мавжудликни таъминлаш учун ҳаётий зарур эҳтиёжларнинг минимал тўпламларини аниқлади¹³. У ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондира оладиган аҳоли қатламини камбағал деб ҳисоблайди¹⁴. У инсоннинг жисмоний мавжудлиги учун зарур бўлган харажатларни

¹¹ Прудон П.Ж. Бедность как экономический принцип. М. 1998. – С. 10.

¹² Спенсер Г. Социальная статика. Изложение социальных законов, обуславливающих счастье человечества. – Гама-Принт. 2013. – с. 312

¹³ Бадертдинова, З.Ф. Проблема бедности и богатства в учениях социал-дарвинизма и марксизма // Вестник Башкирского университета. – 2008. – Т. 13. – № 1. – С. 57-60.

¹⁴ Реклю Э. Богатство и нищета. М., 1906. – С. 33.

ҳисоблаб чиқади. Ушбу харажатларни қоплай олганини камбағал, қоплай олмаганини эса кашшоқ сифатида баҳолайди. Э.Реклюнинг гоёсига кўра, камбағалликни камайтиришнинг самарали йўли барча аҳоли катламлари таркибда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тенг тақсимлашдан иборат. Аммо инсонларнинг меҳнат қобилияти турлича эканини ҳисобга олсак, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини тенг тақсимлашнинг имконияти мавжуд эмас.

Институционализм илмий мактаби вакиллари Ф.Ле-Пле, Ч.Бут, С.Раунтрилар камбағалликни аниқлаш ва ўлчаш амалиётини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Ч.Бут ва С.Раунтри инглиз онлаларидаги камбағаллик муаммоларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва эмпирик тадқиқотлар ўтказишда етакчи ва ташкилотчи бўлдилар.

Ф.Ле-Пле онла даромадининг илк бор таҳлил этиш билан шугулланиб, камбағаллик даражасини онла бюджетига асосан аниқлайди ва камбағалликнинг мутлоқ мезони сифатида қабул қилади. Ушбу камбағалликни аниқлаш услубига кўра, инсоннинг жисмоний жиҳатдан такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий неъматлари ҳисобга олинар эди. Камбағалликни аниқлашнинг бошлангич нуктаси сифатида ушбу мактаб вакиллари инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак ва турар-жойга бўлган ҳаётини зарур эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини кўрсатдилар. “Камбағал деганда, мен онласининг яшашига сарфлаш учун ҳафталик етарли маблағга эга бўлганларни айтаман, жуда камбағал, деганда эса ушбу суммадан кичик даромадга эгаларни назарда тутаман. Камбағаллар деб, ушбу мамлакатнинг одатдаги турмуш тарзи даражасига мувофиқ, эҳтиёжлари қондирилмаганларга айтилади”¹⁵. Олимнинг фикрлари ҳозирда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатлар камбағаллик чегараси орқали камбағаллик даражасини аниқлайдилар.

Ч. Бут камбағалликни реал мезонларини аниқлашга ҳаракат қилди. У камбағаллик мезони инсоннинг даромадлар даражаси ва ҳаётини зарур эҳтиёжларининг қондирилиши; меҳнат қобилияти ва сўхат-саломатликни маълум даражада сақлаш учун зарур бўлган норма ва стандартлардан иборат деб ҳисоблади. “Бутнинг Лондон ва Раунтрининг Нью-Йорк бўйича ўтказилган тадқиқотлари аҳолининг 30 фоизи ҳаёти мобайнида доимий муҳтожликда яшашини исботлаб

¹⁵ Booth Ch. Life and labor of the people in London. London—New York, 1892. — P. 33.

берди”¹⁶.

С.Раунтри оилаларнинг турмуш даражасини чуқур таҳлил этган ҳолда, бирламчи ва иккиламчи камбағаллик турлари мавжуд деган хулосага келди. Бирламчи камбағаллик деганда, ўз маблағларидан оптимал фойдаланилганда ҳаётини эҳтиёжларни қондиришга маблағлари етарли бўлмаган оилалар тавсифланади. Иккиламчи камбағаллик деб, ўз маблағларидан самарасиз фойдаланганлиги туфайли ҳаётини зарур эҳтиёжлари қондирилмаган оилаларга айтилади. У иқтисодий адабиётда илк бор камбағаллар ва исрофгарларни фарқлайди. С.Раунтри ўз тадқиқотларида, реал муҳтожлар сони ва камбағаллик мезонини аниқлашга ҳаракат қилди. Тадқиқотчи камбағаллик даражасини ишсизлик, иш ҳақи ва турар жой шароитлари каби омиллар билан белгиланишини асослайди. С.Раунтри камбағаллик мезонини ҳаётини зарурий ҳаётини эҳтиёжларни (озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой) қондириш учун зарур бўлган оила даромадидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди. Унинг фикрича, ушбу даража камбағалликнинг мутлоқ чегараси ҳисобланади ва шахсий даромаддан қатъий назар, озиқ-овқатлар нархининг ўзгариши билан тартибга солиш мумкин¹⁷. С.Раунтрини фикрига қўшилган ҳолда, камбағаллик фақат физиологик эҳтиёжларни қондириш билан биргаликда кийим-кечак ва турар-жой каби эҳтиёжларни қондирилиши билан аниқланиши лозим.

XX асрнинг 60-йилларида иқтисодий адабиётда камбағалликни аниқлаш борасида муҳим қадамлар ташланди. АҚШнинг Ижтимоий ҳимоя бошқармасининг мутасадди ходими М.Оршански уй-жой, кийим-кечак ва муҳим ҳаётини эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган миндорий кўрсаткичларни аниқлади. М.Оршански ушбу кўрсаткичларни аниқлашда бюджет сўровномаси маълумотларига асосланган ҳолда Энгель коэффициентидан фойдаланди. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини аниқлаб, ўртача оила даромадларига мос келувчи озиқ-овқат маҳсулотлари харажатларини ифодаловчи ушбу коэффициентнинг тескари улушига кўпайтирди. Ушбу камбағалликни аниқлаш услубиёти АҚШда XX асрнинг 80-йилларига қадар камбағаллик чегарасини аниқлашда қўлланилган¹⁸. 1970-йилларда жамиятда анъанавий меъёрий нормалар учун оиланинг даромади етарли бўлмаса, уларни камбағал сифатида

¹⁶ Бебель А. Женщина и социализм. М.: Госполитиздат, 1959. С.401

¹⁷ Сычева В.С. Измерение уровня бедности: история вопроса // 1996. – С. 141-149.

¹⁸ Fisher M.G. Mollie Orshansky: Author of the Poverty Thresholds / M.G. Fisher // AMSTAT NEWS. – 2008. – September – P. 15-18. Режим доступа – <http://www.amstat.org/about/statisticianhistory/bios/OrshanskyMollie.pdf>

этироф этиш ёндашуви шаклланди.

Англиялик олим П.Таунсенд “Буюк Британиядаги камбағаллик” асарида (1979) нисбий камбағалликка қўйидагича таъриф берди: “онилар, шахслар ва ижтимоий гуруҳлар аҳоли таркибида меъёрий норма сифатида қабул қилинган турмуш тарзини қондириш ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун етарли маблағга эга бўлмаса, уларни камбағал деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг даромадлари ўрта ҳол онла ёки шахснинг даромадидан камроқ бўлиб, жамиятда қабул қилинган одатлар ва фаолият турларидан четлаштирилган”¹⁹. Буюк Британияда ҳукумат органлари мунтазам равишда расмий камбағаллик чегарасини даврий оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Ушбу расмий камбағалликдан келиб чиққан ҳолда камбағаллик чегараси белгиланади. П.Таунсенднинг таъкидлашича, ижтимоий сўровномалар кўрсаткичига кўра британияликларнинг 25 фоизи реал камбағаллик даражасида яшайди. Деярли 50 фоизи доимо камбағалликдан кўриб яшайди. Аҳолининг озгина қисми қисқа умри мобайнида камбағалликка дучор бўлмасликка умид қилиб яшайдилар. Ушбу ҳолат сабабини Таунсенд капиталистик тузумда деб билади. Умуман, муаллифнинг иқтисодий қарашлари ҳисоб-китобларнинг мантикийлигини тасдиқлайди ва улар нисбий депривация²⁰нинг муаллиф томонидан яратилган субъектив индексига асосланади. Таунсенд миллий даромад доимо узлуксиз ўсавериши мумкин эмас, камбағалларга ижтимоий ёрдам бериш мақсадида миллий даромад аҳоли ўртасида тенг тақсимланиши керак²¹ деган гояни олға суради.

1972 йилда К.Джозеф томонидан таклиф этилган депривация даври гояси кашшоклик маданияти билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу гояга кўра, камбағаллик камбағалликни тугдиради. Аҳолининг камбағал катлами фарзандларига ота-онаси томонидан юқори турмуш даражасини таъминловчи турмуш тарзи гояси сингдирилмаса, камбағаллик ҳолати давом этаверади. Камбағаллик “тузоғи” тушунчасида камбағалликни саклаш гоялари мавжуд. Камбағаллик “тузоғи” ва сурункали камбағаллик тушунчалари бир-бири билан ўзаро узвий боғланган²². Реал воқеликда, камбағалликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири бу камбағал онлада туғилиш ҳисобланади.

¹⁹ Townsend P. Poverty in the United Kingdom. Berkeley: Univ. of California, 1979. – P. 31.

²⁰ Депривация- маҳрумлик. Физиологик ёки ижтимоий эҳтиёжларни қондириш имкониятини қисқарттириш ёки тўлиқ маҳрум этиш

²¹ Handbook for sociology teachers / R.Goom, P.McNeill (eds.). London: Heinemann Educational Books Ltd., 1982 – P. 129

²² Poverty traps and social exclusion among children in South Africa/SAHRC and UNICEF.Pretoria: SAHRC. – 2014 – 18 p.

Агар мамлакат аҳолиси ижтимоий соҳаларга, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими билан тўлиқ қамраб олинмаса, камбағал оиладаги муҳит ўзгаришсиз қолаверади.

1975 йилда Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан қашшоқлик ва камбағалликнинг таърифи берилди ва улар учун хос бўлган кам даромадлилик, ёмон турмуш тарзи, етарли тиббий ёрдам, узлуксиз таълим, маданият, спорт ва дам олиш имкониятига эга эмаслик хусусиятлари ҳосили эътироф этилди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ўзлари яшайдиган жамиятдаги турмуш тарзи учун етарли маблағга эга бўлмаган шахслар камбағал ҳисобланади, деган хулосага келинди²³.

Нобель мукофоти лауреати А.Сен камбағалликни кунлик даромаднинг кичиклигида эмас, балки яшаш турмуш тарзи сифатида урғу берган ҳолда, асосий муҳтожликларни ҳал этиш учун зарур имконият мавжуд эмаслигида деб билди. Шунингдек, А.Сен инсоннинг турмуш тарзи ўзгаришига мослашиш қобилиятини пасайтирувчи омилларни аниқлайди. Камбағалларнинг таълим даражасининг пастлиги ва соғлиғининг ҳолати белгилловчи омиллар сифатида қабул қилинди. А.Сен инсоннинг комплекс ривожланиши гоёсини ишлаб чиқди ва ушбу гоёда узоқ умр ва соғлом турмуш тарзи, муносиб турмуш даражаси, санъат, эркинлик, гурур ва ўзгаларни ҳурмат қилиш қабиларни таъминлаш йўналишлари илгари сурилган²⁴. Камбағаллик – бу уй ҳўжалигини маълум миқдордаги неъматларни истеъмол қилиш ва ушбу неъматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаслик ҳолати ҳисобланади. Муаллиф мамлакатдаги камбағаллик даражасини даромадларни тақсимланишининг табақаланиши кўрсаткичлари билан боғлайди. Тенгсизлик ва камбағалликни вужудга келиши ва ривожланишига у ёки бу мамлакатни (минтақани) тарихий ривожланиш хусусиятлари, иқтисодий сиёсатни амалга оширувчи миллий институтларни фаолият юритиши, мамлакатни глобаллашув жараёнларига жалб этилиш даражаси, миграция сиёсати ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

XX асрнинг сўнги чорагида камбағаллик борасидаги илмий тадқиқотларга эътибор ижтимоий эксклюзияни²⁵ асосида ўрганишга қаратила бошлади. Ушбу атама Рене Ленуар томонидан иқтисодий

²³ Townsend P. Poverty in the United Kingdom: a survey of household resources and standards of living, Harmondsworth: Penguin Books, 1979. P. 33.

²⁴ Sen A.K. Poverty: an ordinal approach to measurement//Econometrics. 1976. – March. – Vol. 81. – P. 285-307

²⁵ Эксклюзия- чеклаш. Шахснинг меҳнат, таълим ва ҳ.к. ҳаётий муҳим институтларига киришни истисно қилиш ёки чеклаш.